

## Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари

### Солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;  
*СКнинг V бўлими*
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;  
*СКнинг VI бўлими*
- 3) қўшилган қиймат солиғи;  
*СКнинг VII бўлими*
- 4) акциз солиғи;  
*СКнинг VIII бўлими*
- 5) ер каъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;  
*СКнинг IX бўлими*
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;  
*СКнинг X бўлими*
- 7) мол-мулк солиғи;  
*СКнинг XI бўлими*
- 8) ер солиғи;  
*СКнинг XII бўлими*
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;  
*СКнинг XIII бўлими*
- 10) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.  
*СКнинг XIV бўлими*

### Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

- 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:  
ягона ижтимоий тўлов;  
фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;  
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;  
*СКнинг XV бўлими*
- 2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:  
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;  
Республика йўл жамғармасига йиғимлар;  
*СКнинг XVI бўлими*
- 3) давлат божи;  
*СКнинг XVII бўлими*
- 4) божхона тўловлари;  
*СКнинг XVIII бўлими*

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

*СКнинг XIX бўлими*

**Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар умумбелгиланган солиқлардир.**

Солиқ Кодексида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибда тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

ягона солиқ тўлови;

ягона ер солиғи;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

*СКнинг XX бўлими*

1-6-бандларда, 1-4-бандларда, бешинчи қисмнинг иккинчи ва тўртинчи хатбошларида назарда тутилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлардир.

7-10-бандларда, 5-бандида, бешинчи қисмнинг учинчи хатбошисида назарда тутилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар жумласига киради.

Давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади.